

---

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олтиариқ туманидаги Халқ қабулхонасида туман ҳокимининг навбатдаги қабули

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олтиариқ туманидаги Халқ қабулхонасида туман ҳокимининг навбатдаги қабули Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг Фарғона вилояти минтақавий вакили Камилов Алишер Одилевичнинг сайёр қабули билан биргаликда ташкил этилди. Қабулда туман ҳудудида яшовчи 23 нафар фуқаролар турли мурожаатлар билан иштирок этишди. Асосан, уй-жой, коммунал хизматлар, йўлларни асфальтлаштириш, светофор ўрнатиш, таълим кредитлари, ишга жойлаштириш, оилавий ва мулкӣ муносабатлар хусусидаги фуқароларнинг мурожаатлари тингланди. 2 нафар фуқаро мурожаати шу ернинг ўзида ижобий ҳал этилди, 6 та мурожаат бўйича бир кундан беш кунгача кўриб чиқиб, ҳал этишлик учун муҳлат тайинланди, 7 та мурожаатлар юзасидан мутахассислар томонидан ҳуқуқий тушунтириш берилди. Қолган мурожаатлар таълуқлилиги бўйича мутасадди ташкилотларга ижро учун йўналтирилди.

2022-09-28 18:02:03